

ЯНГИ ТИЗМАЛАРНИНГ ВИЛТ КАСАЛЛИГИ БИЛАН ЗАРАРЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Рахмонкулов Мурод Саид-Ақбарович,
ТошДАУ профессори, қ.х.ф.д.,
Тореев Фозилбек Нуруллаевич,
ТошДАУ доценти, қ.х.ф.н.,
Алламбергенов Танжарбай Даулетмуратович,
б.ф.ф.д., лаборатория мудири,
ЎзР ФА Генетика ва ЎЭБИ,
Қудайбергенов Азамат Отебаевич,
мустақил тадқиқотчи.

Аннотация: Были проведены исследования поражений линий L-888 и L-83 при болезни вилта, показали, эти линий более устойчивы к болезни вилта, чем стандартные и другие линий.

Ключевые слова: хлопок, новая линия, болезни вилта, повреждение, селекция, стандартный сорт.

Annotation: Studies of lesions of lines L-888 and L-83 in wilt disease have been carried out; they have shown that these lines are more resistant to wilt disease than standard and other lines.

Key words: cotton, new line, wilt diseases, damage, selection, standard grade.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси» давлат дастурида келтирилганидек «... касаллик ва зараркундаларга бардошли, тупроқ-иклим шароитларига мос, қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш» долзарб аҳамият касб этади. Бу эса селекционер олимлар олдига тезпишар, сермахсул, тола сифати ва чиқими юқори, зараркунанда ҳамда касалликларга чидамли бўлган навларни яратиш вазифасини қўяди.

Маълумки, ғўза вилт касаллиги билан зарарланганида ҳосилдорлиги камаяди ва маҳсулот сифати ҳам пасаяди. Касалликнинг зарарлилик даражаси ўсимликларда касалликнинг намоён бўлиш муддатига боғлиқ бўлади. А.Марупов [1] маълумотларига кўра битта ғўза навини алмаштирмасдан бир неча йил давомида етиштириш ҳар йили ғўза ўсимлигининг вилтга чалиниши шоналаш даврида 5,1 фоиздан то 6,6 фоизгачани, шоналар пишиб етилиши даврида эса 38,3 фоиздан то 41,1 фоизгачани ташкил этган.

Ф.Тореев, П.Ибрагимов ва Б.Ўрозовларнинг [2] маълумотларига кўра янги Т-403 тизмаси бошқа тизмаларга нисбатан вилт касаллигининг умумий ва кучли даражада зарарланиши бўйича ўз устунлигини намоён қилган.

Янги тизмаларнинг вилт касаллиги билан зарарланишини 1-йилги селекция кўчатзорда ўрганганимизда қуйидагича натижалар олинди. 12 та тизмалар андоза Наманган-77 ғўза нави билан таққослаб ўрганилганида, андоза нави 67,3 % зарарланган бўлса,

барча ўрганилаётган тизмаларда зарарланиш кўрсаткичи 5,7 фоиздан 17,3 фоизгача оралиқда зарарланишди. Бунда тизмалардан энг кўп зарарланганлари Л-17 ва Л-517 тизмалари 17,3 % зарарланиб, андоза навига нисбатан 50 % чидамлилигини намоён этишди. Энг кам зарарланган тизма Л-888 тизмаси бўлиб, бу тизма 5,7 % зарарланиб, андоза навига нисбатан 61,6 % кам зарарланганлигини намоён этишди.

Вертициллийоз вилт касаллиги билан янги тизмаларнинг зарарланишини 2-йилги селекция кўчатзорда ўрганганимизда қуйидагича натижалар олинди. Андоза Наманган-77 ғўза нави билан 9 та янги тизмалар таққослаб ўрганилганида, андоза нави 78,3 % зарарланган бўлса, барча ўрганилаётган тизмаларнинг вилт билан зарарланиш кўрсаткичи 4,6 фоиздан 14,3 фоизгача оралиқни ташкил қилди.

Тизмалардан энг юқори даражада зарарланган Л-1309 тизмаси бўлиб, 14,3 % зарарланди ва андоза навига нисбатан 64 % чидамлиликл эга эканлигини намоён этишди. Энг кам зарарланган тизма эса Л-83 тизмаси бўлиб, бу тизма вилт касаллиги билан 4,6 фоиз зарарланиб, андоза навига нисбатан 73,7 % кам зарарланганлигини намоён этишди.

Тизмаларни селекция кўчатзорда вилт касаллиги билан зарарланишини ўрганиш натижаларига кўра энг кам зарарланган тизмалар 1-йилги селекция кўчатзорда Л-888 тизмаси бўлиб, бу тизма 5,7 %, 2-йилги селекция кўчатзорда Л-83 тизмаси бўлиб, бу тизма вилт касаллиги билан 4,6 фоиз зарарланишди ҳамда андоза ва бошқа тизмаларга нисбатан вилт касаллигига бардошли эканликларини намоён этишди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Марупов А. Обоснование и практическое использование агротехнических и биологических средств защиты хлопчатника от вертициллезного вилта: Автореф. диссер.... докт. с. х. наук. -Ташкент, 1993. -26 с.
2. Тореев Ф., Ибрагимов П., Ўрозов Б. Янги ғўза тизмаларининг вилт касаллигига бардошлилик кўрсаткичлари. "Аграр фан назарияси ва амалиётидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари" мавзусида халқаро конференция тўплами. Тошкент-2020, 14-15 декабрь, 129-132 бетлар.